



УДК 633.511/631.5

ЭКИШ МУДДАТ ВА МЕЪЁРЛАРИНИНГ СОЯ НАВЛАРИНИ БАРГ ЮЗА МАЙДОНИГА ТАЪСИРИ

Дусматова Лола Хашимовна, Шоличилик илмий тадқиқот институти

Халиков Баходир Мейликович, ПСУЕАИТИ, к.х.ф.д., профессор

Аннотация. Ушбу мақолада турли экиш муддатлари ва меъёрларини соянинг “Мадад” ва “Севинч” навларини барг юза майдони таъсири бўйича олинган маълумотлар ва уларнинг таҳлили келтирилган бўлиб, унда сояни экишда экиш меъёри гектарига 45 кг.га нисбатан 15 кг.га оширилганда барг юза майдони 240-340 см²га, гектарига 30 кг оширилганда эса 470-780 см²га юқори бўлиши, экиш муддатини 25.04-30.04 муддатига нисбатан 10 кунга кеч бўлиши 532-785 см²га, 20 кунга кеч бўлиши эса 1220-1375 см²га кам бўлиши тўғрисида маълумотлар берилган.

Кириш. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида “қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” устувор вазифалар сифатида белгиланган. Шундан келиб чиқиб, дастлаб соя етиштириш республикада 2017 йилда бошланиб, шу йили 12 минг гектар майдонга соя экилиб, 14 минг тонна соя дони етиштирилган, хом ашёни қайта ишлаш ҳисобига аҳолига 2 минг тоннадан ортиқ соя ёғи, паррандачилик корхоналарига 10 минг тонна юқори озуқали соя шроти етказиб берилган бўлса, ҳозирга келиб соя етиштириладиган майдонлар ҳажми қарийб 10 баробарга ортди, айна вақтда республиканинг суғориладиган 124 минг гектар, шундан 83 минг гектар очик майдони, 41 минг гектар ғўза қатор ораларига ҳамкор экин сифатида экилмоқда.

Шуни назарда тутган ҳолда республикамизнинг турли тупроқ ва иқлим шароитларида соядан мўл ва сифатли дон ҳосили олиш борасида кенг кўламдаги илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Маълумки, ўсимликни меърий ўсиб ривожланиши ҳамда юқори ва сифатли ҳосил бериши кўп жиҳатдан фотосинтез ва унинг маҳсулдорлигига боғлиқдир. Фотосинтез маҳсулдорлигини меърий жиҳатдан яхши ва юқори бўлиши эса биринчи навбатда ўсимликдаги барглари сони ҳамда барг



юза майдон ҳажмидан келиб чиқади. Табиийки, ўсимликда барг юза майдонини қанчалик катта ёки кичик бўлиши аксарият холларда ўсимликнинг барглар сонига боғлиқ бўлади.

Адабиётлар шархи. Соя ўсимлиги бўйича жуда кўплаб илмий тадқиқот ишлари ўтказилган бўлиб, тадқиқотларнинг кўпчилиги соядан мўл ва сифатли ҳосил олиш учун уни парваришлаш агротехникасига қаратилган тадқиқотлардир.

B.R.Ntare., A.T.Diallo., J.Ndjeunga., F.Wallar [5], K.D.Sayre [4]ларнинг маълумотларига кўра, юқори маҳсулдорликка эришиш учун мақбул шароит муҳимдир. Бунинг учун ўсимликнинг озикланиш майдонининг ҳажми, ёруғликнинг тақсимланиши, намлик, озуқа моддаларга эмас, балки ўсимликнинг морфологик белгиларига, яъни бўйининг баландлиги, барг сони, барг юза майдони, ён шохлар сони, дуккаклар ва уруғлар сони, габитуси, поянинг қалинлиги ва ётиб қолишга чидамлилиги ва бошқа омилларни ҳисобга олиш лозим.

K. Ellis., M.E. Barbercheck [3], Б.Халиков [2], О.Амиркулов [1]ларнинг фикрича, сояни парвариш қилишда тупроқ типларидан қатъий назар қатор ораларини 60-70 сантиметр кенгликда олиб, гектарига 80 килограмм уруғ сарфлаш мақсадга мувофиқ. Эртапишар навларни экиш гектарига 90-100 килограмм, ўртапишар навлар баланд бўйли ва ўзидан ён шохлар чиқаргани ҳамда барглар сони кўп бўлиб, барг юза майдони юқори бўлганлиги учун гектарига 70-80 килограмм униб чиқиш қобилиятига эга бўлган уруғ экилиши юқори ҳосилдорликни таъминлайди.

Тадқиқот услуби. Мазкур тадқиқот 2020-2022 йилларда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида жойлашган Шоличилик илмий тадқиқот институтининг тажриба далаларида, ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида ўтказилди. Тажриба 18 та вариантдан иборат бўлиб, ҳар бир вариантнинг



Ва р №	Соя наавла ри	Экиш мудда т- лари	Экиш меъёр и кг/га, (минг дона)	2020 йил				2021 йил			
				1.08		Ҳосилни йиғишдан олдин		1.08		Ҳосилни йиғишдан олдин	
				Барг сони (дона да)	Барг юза майдо ни см ²	Барг сони (дона да)	Барг юза майдо ни см ²	Барг сони (дона да)	Барг юза майдо ни см ²	Барг сони (дона да)	Барг юза майдо ни см ²
1	Мадад	25.04- 30.04	45 (280)	98,7	5785,1	84,7	4912,4	103,7	6014,7	89,1	4985,0
2			60 (375)	100,4	5874,5	91,6	5343,0	109,6	6271,7	100,2	5847,7
3			75 (465)	101,7	5887,3	91,7	5347,4	110,4	6289,3	101,1	5816,4
4		05.05- 10.05	45 (280)	87,6	5001,2	81,2	4784,5	92,3	5441,3	86,2	4872,1
5			60 (375)	95,6	5342,3	91,4	5295,4	102,5	5989,7	98,6	5687,3
6			75 (465)	98,7	5785,4	93,5	5412,7	106,6	6102,1	100,7	5894,2
7		15.05- 20.05	45 (280)	76,9	4410,2	70,1	4002,3	81,6	4725,4	75,4	4201,6
8			60 (375)	79,1	4654,1	72,3	4185,0	86,6	4874,3	79,3	4389,3
9			75 (465)	82,1	4875,4	75,9	4378,7	91,4	5225,4	84,7	4685,4
10	Севинч	25.04- 30.04	45 (300)	78,1	4589,0	69,7	3954,7	83,6	4875,4	74,4	4184,1
11			60 (400)	85,4	4995,0	72,5	4201,3	92,6	5482,4	77,3	4295,4
12			75 (500)	91,2	5321,4	79,7	4705,7	100,1	5823,1	88,4	4982,5
13		05.05- 10.05	45 (300)	76,2	4395,4	69,7	3950,7	81,4	4735,1	74,7	4198,3
14			60 (400)	79,1	4651,7	76,5	4398,7	88,3	4965,4	83,6	4595,7
15			75 (500)	80,2	4695,4	75,8	4301,9	89,4	4978,2	84,7	4618,1
16		15.05- 20.05	45 (300)	68,7	3890,1	65,1	3657,2	73,5	4154,7	70,3	4003,7
17			60 (400)	71,4	4100,2	68,7	3841,7	78,4	4358,7	75,6	4213,7
18			75 (500)	76,4	4418,7	71,2	4084,3	85,3	4782,6	80,6	4325,7



майдони 240 м², ҳисобга олинадиган майдон 120 м² ни ташкил этди. Таҷриба бир ҷурсда, уч такрорлашда олиб борилди. Битта такрорлашнинг майдони 4320 м², умумий майдони 1,30 гектарни ташкил этди.

Тупроқнинг агрофизикавий хоссалари «Методика агрофизических исследований» қўлланмаси асосида, тупроқнинг ҳажм массаси Н.А.Качинский, гумус миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорни умумий миқдорлари П.П.Гриценко, И.М.Мальцева, нитратли азот Грандвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин ва алмашинувчан калий миқдори П.В.Протасов усуллари билан аниқланди. Дала таҷрибаси натижаларининг математик таҳлили Б.А. Доспехов бўйича, ўсимликлардаги фенологик кузатишлар эса «Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг услубий қўлланма»си асосида ўтказилди.

Тадқиқот натижалари. Таҷрибанинг дастлабки, 2020 йили 1-августиди сояни “Мадад” навидан олинган маълумотларга кўра, соя эрта муддатда гектарига 45 кг экилган 1-вариантда барг юза майдони 5785,1 см²ни ташкил қилган бўлса, гектарига 60 кг экилган 2-вариантда 5874,5 см²ни, гектарига 75 кг экилган 3-вариантда эса 5887,3 см² бўлганлиги аниқланди. Демак, экиш меъёрларини ошириб борилиши барг юза майдонини 89,0 см²дан 102,2 см²гача юқори бўлишини таъминлайди. Ушбу қонуниятлар сояни ўрта ва кеч муддатларда экилган вариантларида ҳам кузатилиб, кўрсаткичлар экиш меъёрлари бўйича тегишли равишда 5001,2-5342,3-5785,4 см² ва 4410,2-4654,1-4875,4 см²ни ташкил этди.

Демак, сояни экишда экиш меъёри гектарига 45 кг.га нисбатан 15 кг.га оширилганда барг юза майдони 240-340 см²га, гектарига 30 кг оширилганда эса 470-780 см²га юқори бўлиши аниқланди. Ўз навбатида экиш муддатларини барг юза майдонига бўлган таъсири ҳам кузатилди. Олинган маълумотларга кўра, сояни мазкур нави эрта муддатда гектарига 45 кг меъёрда экилганида барг юза майдони 5785,1 см²ни ташкил этган бўлса, худди шу меъёрда ўрта муддатда экилганида 5001,2 см²ни, кеч муддатда экилганида эса 4410,2 см²ни ташкил этди. Шунга ўхшаш қонуният гектарига 60 кг экилганда ҳам кузатилиб, бунда эрта муддатда экилганда 5874,5 см²ни ташкил этган бўлса, ўрта муддатда экилганда 5342,3 см²ни, кеч муддатда экилганда эса 4654,1 см²ни ташкил қилди. Шундай қонуният гектарига 75 кг экилган



3, 6, 9-вариантларда ҳам кузатилди. Таҳлиллардан кўринадики, экиш муддатларини нисбатан кеч муддатларда ўтказилиши сояда барг юза майдони кенглигига салбий таъсир этади.

Сояни “Севинч” нави бўйича олинган маълумотларда ҳам юқоридаги каби қонуниятлар кузатилди. Тадқиқотнинг 2021 йилида ҳам шунга ўхшаш маълумотлар қайд этилди.

Хулоса. Олинган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, сояни экиш меъёри гектарига 45 кг.га нисбатан 15 кг.га ошириш (60 кг/га бўлиши) барг юза майдонини 240-340 см²га, гектарига 30 кг ошириш (75 кг/га бўлиши) эса 470-780 см²га юқори бўлишини таъминлаб, экиш муддатини 25.04-30.04 муддатига нисбатан 10 кунга кеч бўлиши (05-10.05) барг юза майдонини 532-785 см²га, 20 кунга кеч бўлиши (15-20.05) эса 1220-1375 см²га кам бўлишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Амиркулов О. Турли экиш асосида соя экиннинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари ва тупроқ унумдорлигининг ўзгариши. // Life sciences and agriculture. №3. 2/2020. 7-10 б.
2. Халиков Б.М., Қўзиев Ж. Озиқа элементлари балансини “Тупроқ-ўғит-ўсимлик” тизими асосида юритиш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги жуурнали. 2015 й. №8. 32-33 б.
3. Ellis K. E., Barbercheck M. E. Management of overwintering cover crops influences floral resources and visitation by native bees. Environ. Entomol. 44: 2015. Pp. 999–1010.
4. Sayre K.D. Conservation tillage gaining ground. Economic research serice/USDA, Agricultural qutlook/ August 1996.
5. Ntare B.R., Diallo A.T., Ndjeunga J., Waliar F. Groundnut Seed Production Manual. ICRISAT. 2010. 20-21 pp